

Келтирилган нусха

ДОШКЕНТ

ОКШОМ

Иқтисодий-сиёсий шаҳар рўзномаси

№ 36 (7. 978) 1992 йил 20 февраль, пайшанба Нархи 50 тиён



* Ишбилармонлик-бозор талаби АСОСИЙСИ-ИНТИЗОННИ БЎШАШТИРМАСЛИК

ҲОЗИРГИ бозор иқтисодиёти шароитида Республика-миздаги кўп қанчаларнинг тўлақонли ишлашлари кундан-кунга қийинлашиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири корхоналар ўртасидаги шартномаларнинг ўз вақти-да бажарилмаётганидир.

Бу жараён пойтахтнинг корхоналарини ҳам четлаб ўтган йўқ. Айни пайтда шахримизнинг кўп қанчалар фабрика ва бижлиқчилари ҳам ашё йўқлиги ва бошқа сабабларга кўра ишчи ва хизматчиларини қисқартиришга мажбур бўлимоқда.

Бирок ҳалқимизда «қаловини топсанг, қор ёнади», деган нақл бор. Шунга амал қилган корхона ва ташкилот-ларда ҳозирги қийин шароитда ҳам талаб даражасида иш-лашга эришмоқдалар. Шулардан бири Ўзбекистон тўқи-мачилик маъинасозлиги ишлаб чиқариш бirlашмасидир.

Рақибларга назар ташлайдиган бўлсак, корхона режа бўйича ўтган йилги 132 миллион 600 минг сўмлик маҳсу-лот ишлаб чиқариши керак эди. Амалда эса бу кўрсат-кич йил давомида 183 миллион 138 минг сўмга етказил-ди. Яъни 50 миллион 538 минг сўмлик режага қўшимча маҳсулот етказиб берилди. Шартнома мажбурияти 100 фоизга бажарилди. Фойда ҳам шунга яраша. Корхона режадаги 18 миллион 750 минг сўм ўрнига 38 миллион 76 минг сўм фойда кўрди.

Ҳўш, бирлашма бу кўрсаткичларга қандай қилиб эри-шди? Ҳозирги кундаги иқтисодий қийинчиликлар бирлаш-мада ҳам истаганига топилди. Ҳамма ерда бўлгани каби корхонага ҳам кейинги пайтларда турли хулудлардан хом ашё ўз вақтида келмай қўйди. Масалан, шу йилнинг январь-февраль ойлари учун бирлашма 800 тонна атро-фиди металл маҳсулотлари олини керак. Лекин ҳозирга-ча бор-йўги 120 тонна олинди, холос. Бирлашмадаги ҳам-ма дастгоҳларни ҳам янги даража бўлмади. Узининг ишлаш муддатини ўтаб бўлган ускуналар корхонада ҳали ҳам топилди.

Аммо бирлашма ишчи ва хизматчиларини ҳам ашё йўқ, дастгоҳ эски деб қўл қовштириб ўтиришмади. Корхонага зарур материалларнинг бир қисмини биржалардан кели-тирилган нархларда олинди. Қолган қисмининг эса бошқа заводлардан алмаштириш усули билан амалга оширилди. Энг муҳими бирлашмада меҳнат интизомини яқинлаш-тирди. Ҳозирги кунга келиб ҳар бир цех ҳар бир бўлин-аник бир йўналиш бўйича ишламоқда. Айниқса таъминот бўлими бўйича яхши тадбирлар белгиланган.

Масалан, бирлашма таъминловчи корхоналарнинг биридан хом ашё ўз вақтида келмай қолди дейлик. Энди-ликда корхона ўша ташкилотдан келишилган шарт бў-йича жарима ундириб олади. Бу усул ҳам ҳозир режа-ларини ўз вақтида ошириб бажаришни таъминламоқда.

Корхонада ҳар бир раҳбар-хизматчи ёки муҳандислар-нинг кундалик бажарган иш электрон ҳисоблаш маши-насида текширилади. Унинг натижасига қараб олий ёки йиллик мукофот пули қанча миқдорда берилиши белги-ланади. Бу эса маъмуриятдан тортиб олий ишчигача ўзига хос масъулият юклайди.

Натижада корхона шу йил январь ойи режаларини ҳам ошириб бажарди. Режадаги 24 миллион 695 минг сўм ўрнига 44 миллион 262 минг сўмлик маҳсулот иш-лаб чиқарилди. Айниқса ҳозир бирлашмада ҳалқ истеь-мол буюмларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Бу табиий. Чунки ҳозир мустақил республикамизнинг аҳолисини кундалик ахтиёж моллари билан таъминлаш энг долзарб масала. Корхонада бутунги кунда ишлаб чи-қарилаётган идиш-товоқ, гўшт майдалагич мосламалари, қозон, спорт жиҳозлари ва бошқалар шулар жумласидан-дир.

Ўтган йилги бирлашмада магнитофон кассетасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Ҳозир йилга 1 миллион дона шундай кассеталарни чиқариш режалаштирилган. Бу йил эса тахта аралаш дастгоҳини ишлаб чиқариш мўлжалланган. Айни пайтда мутахассислар бу борада иш олиб боришмоқда.

Ишчиларнинг ишдан кейин ҳамда меҳнат таътил-ларида яхши ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам ҳамма ша-роитлар муҳайё этилган, дейди корхонанинг 1-таъмир-лаш цехининг ишчиси Михаил Бобоев. — Завод қошида жойлашган санаторий-профилакторийни бунга мисол та-риқидан келтиришга бўлади. Ҳозирда 96 та она-болага мўл-жалланган бу дам олиш масанда ишчиларнинг давола-ниши учун кўп ишлар қилинди. Унда тиббиётчиларнинг энг сўнгги ютуқлари асосида меҳнатчилар даволашмоқ-да. Бу ерда бир мавсумда дам олиш ҳақи 585 сўм бўли-шига қарамасдан, ишчи-хизматчилар бу муддат учун атиги 22 сўм пул тўлашади.

Бундан ташқари корхона ишчи ва хизматчилари меҳ-нат таътилларида турли дам олиш масанларида ҳордиқ чиқариб қайтмоқдалар. Улар учун йўлланма нархининг 30 фоизи бирлашма касса уюшмаси томонидан тўлан-моқда.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Тошкент окшоми» муҳбири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ И. А. КАРИМОВ ҲАЗРАТЛАРИГА

Жаноб Президент, Бирлаш-ган Германия Ўзбекистон Рес-публикасини мустақил деб тан олганини сизга маълум қилиш шарафига муяссар-ман. Немис халқи Ўзбеки-стон Республикасини Мус-тақил давлатлар ҳамжамия-тининг аъзоси сифатида та-бирлайди.

Сизнинг мамлакатингиз демократиялаш-жараёнида ва ҳуқуқий тарзда муста-қиллик йўлига ўтди.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига ва оз со-лиқ халқлар ҳуқуқларига ка-фолат бермоқда.

Республика БМТ Хартия-сига доир мажбуриятлари, Хельсинки Яқуловчи ҳуж-жатини ва Париж Хартия-сини тан олмақда. Низоли масалалар бундан буён куч ишлатиш билан ҳал қилин-майди, деган энг асосий қои-да ҳам шу жумлага қиради.

Бирлашган Германия Ҳу-қуқий Республикаси билан дипломатия муноса-батлари ўрнатилган, бу ҳа-қда музокаралар бошлашга тайёр.

Бирлашган Германия ҳу-қумати Бирлашган Герма-ния билан Ўзбекистон Рес-

публикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни дўстлик ва ҳамкорлик руҳида амалга оширишга интилади.

Жаноб Президент, Сизга ва Ўзбекистон Республика-сининг халқларига немис халқи номидан ва шахсан ўз номимдан бахт-саодат ва муваффақиятлар тилай-ман.

Жаноб Президент, сами-мий ҳурматини қабул қил-гайсиз.

Бирлашган Германия Президентини Рихард фон ВАНЦЕККЕР.

* 21 март-Наврўз байрами ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК

18 февраль кунини Тош-кентда «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кў-риш ва ўтказиш республика ташкилий комитетининг мажлиси бўлди. Унда ва-зирликлар ва идоралар, жа-моат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот восита-лари вакиллари қатнашди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирин-инг ўринбосари, шу коми-тет раиси Э. Самандаров олиб борди.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, «Наврўз» асрлар давомида одамларда ерга ва табиғатга меҳр-му-ҳаббатли бўлиш, уни ар-доқлаш туғилуларини тар-биялаб келди. «Наврўз» байрами кунларида уруш-жанжаллар тўхтатилган, гина-қудуратлар унутилган, одамлар тинч ва яхши қў-шнчилик алоқаларига ин-тилганлар. «Наврўз»нинг республикамизда умумхалқ байрами сифатида нишон-лашни яхши ағъана бўлиб қолди.

Республикамиз муста-қиллик йўлида дадил олим ташлаб, бутун жаҳон эъти-борини ўзига қаратаётган бу йилги шароитда «На-врўз» байрами алоҳида ма-ънун касб этади, умумхалқ шодлиғасига айланади. Бай-рам кунларида республика-миз шаҳар ва қишлоқлари-да халқ сайиллари, шоирлар муносоралари, спорт ўй-нлари, етук санъаткорлар ҳамда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ўтказилади. Китоблар, тас-вирий санъат ва халқ амий-лиқ санъати асарларининг кўргазмалари, истеьмол моллари ва озиқ-овқат маҳ-сулотлари савдоси ташкил этилади. «Наврўз» байрами кунларида кўп болали оила-ларга, қариялар уйларида яшовчилар, болалар уйлари-ни тарбиялаувчилари, қаровчисиз қолган бева-бечоралар, ногиронларга ало-ҳида меҳр-муруват кўрса-тилади.

Мажлисда комитетнинг умумхалқ байрамини ўткази-шни билан боғлиқ режаси тасдиқланди ва комитет аъзоларининг вазифалари белгилаб олинди.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

Саудия Арабистонининг расмий делегацияси 19 фев-раль кунини Тошкентга келди. Делегацияга ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал Фай-

сал ал Сауд бошчилик қил-моқда. Делегацияни аэропортда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдуразоқов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу кунини кечқурун делега-цияси Ўзбекистон Республи-каси Президентини И. А. Ка-римов қабул қилди.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ САУД АЛ ФАЙСАЛ АЛ-САУД

1942 йилда туғилган. 1964 — 75 йилларда Ҳу-қуқий факультетини, Саудия Арабистонининг расмий делегацияси раиси бўлиб ишлаган. 1965 йилда АҚШдаги Принстон дорилфунуни иқ-тисод факультетини битир-ган, иқтисод фанлари бака-лавридри.

1971—74 йилларда нефть ва минерал ресурслар ва-зирининг ўринбосари, «Петро-мин» Саудия нефть компани-синининг маслаҳатчиси, нефть олий Кенгашининг бош котиби лавозимларини эгаллаб турган.

1975 йил октябрдан — Саудия Арабистонини ташқи ишлар вазири. Саудиядаги энг нуфузли сиёсат арбобла-ридан биридир. Амирнинг энг масъулиятли ва назорат тошириқларини бажаради. Фақат энг муҳим халқаро ва араблараро анжуманларда Саудия делегациясига бош-чилик қилади.

С. ал Файсал Яқин Шарқ мазоросини ҳал қилиш ва араблараро муносабатлар ма-салаларида мутахассис ҳи-

собрланади. Яқин Шарққа до-ир сулҳ конференцияси до-расида кўп томонлама музо-караларга тайёргарлик юза-сидан 1992 йил 28—29 январда Москвада бўлиб ўт-ган ташкилий учрашувда Са-удия делегациясига бошчи-лик қилган.

С. ал Файсал мувозанатли ташқи сиёсий йўлни ўткази-ши тарафдоридир. Социк СССРга уч марта: 1982 йил-да Араб-Исроил мазороси юзасидан Араб давлатлари уюш-масини «еттилар комитети» делегацияси таркибиди, 1988 йилда Амир Фаҳдининг махсус вакили сифатида ва 1990 йилда амалий ташриф билан келган. Унинг сўнгги ташрифи чоғида иккала мам-лакатда дипломатия муноса-батларини тўла йўлга қўйиш ва элчионалар ҳамда бош консулхоналар очини тўғри-сида аҳдномага эришилган.



араблараро анжуманларда Саудия делегациясига бош-чилик қилади.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси савдо вазири ўзи оталиққа олган Тошкентдаги 23-болалар ўми ҳисобига 10 учун сўмдан кўпроқ пул ўтказди. Бу набағ болалар ўми учун янги спорт майдончаси ва сузиш ҳавзаси қурилишига сарфланади.

«Янгийўл» ишлаб чиқариш бirlашмаси юмшоқ мебел-ларнинг тажриба туркумини ишлаб чиқаришни режалаштир-моқда. Унинг хом ашёси сифатида гўзапозадан ҳам фойдала-ниш кўзда тутилмоқда. Мутахассислар фикрича, бу маҳал-лий хом ашё ёғочдан қолишмайди.

Катта Ўзбекистон йўлининг Самарқанд вилояти Нарпай райони ҳудудидан ўтайдиган жойда автомобилларга саёба-га чиққан юз кишини бир йўла қабул қила оладиган замо-наврий меҳмонхона лойиҳаси ташвирланди. Бу ерда кўна Самарқанд республикамизнинг бошқа шаҳарларига келадиган хорижлик сайёҳларга ҳам хизмат кўрсотилади.

ҲАМДУСТЛИКДА

Бугун Москвада Озарбайжон ва Арманистон ташқи иш-лар вазириларининг учрашувини ўтказиш мўлжалланмоқда. Унда Тоғли Қорабоғдаги мазор муҳофиза этилиши керак.

Ҳокимиятдан четлашқининг Грузия Президентини Завид Ғамсүрдува 18 февраль кунини рафиқаси билан Гроз-нийга келди. Бу ерда у Чечен Республикасининг Президенти Жохар Дудаев билан музокаралар олиб борди. Завид Ғам-сүрдува маъбуот конференциясида бу ерга сиёсий бошлана ишлаб эмас, балки дўст давлатга дўстлик ташрифи билан келганлигини айтди. У бугун-эрта ана Грузияга қайтиб бо-ришини ҳам билдирди.

Россия авиадиспетчерлари эртага иш ташлаш ниятида. Улар касаба уюшмаси раҳбарларининг Россия транспорт вазири Виталий Ефимов билан олиб борган музокаралари ҳозирча бирор натижа бермади.

«Интерфаксининг маълум қилишича, Россия Бош вазири-нинг ўринбосари Егор Ғайдар 1991 йилда оллинган ва ҳали хазинага тушмаган оллинин чет элларда сотиш ҳақида фер-молийи чиқарди. Бу Россия валюта заҳираларини тўлдиршиш мақсадида қилинмоқда.

Немисларга мухторият бериш «Уйғониш» ҳаракатининг раиси Гронтинг фикрича, ҳозирги пайтда Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлигига аъзабган бу миллат вакилларининг 90 фонга яқини Германияга доимий яшаш учун кўчиб келиш ниятида. Шу муносабат билан У Германия федерал ҳукумати-га яқин беш йил ичида бу давлатга 1,8 миллион нафар рус немисларининг кўчиб келиши учун шарт-шароитлар яратиш даъвати билан мурожаат қилди.

Россияда жиноятчилик ўта ашаддий тус олмоқда. 18 фев-ралда Москвада ўтказилган маъбуот конференциясида бу ҳақда республика ички ишлар вазири Виктор Ерин маълум қилди. 1991 йилнинг ўзида биргина шу вазирилик 15 мингтадан кўпроқ қотилликни қайд этган. Айни пайтда 40 минг нафар-дан кўпроқ фуқаро оғир тан жароҳатлари олган. 200 минг-дан кўпроқ киши эса безорилар ҳужумларига дучор бўлган.

Молдова парламентини номўлим муддатга ўз ишини тўх-татади. Республика Олий Кенгаши сессияларида бирор қонун қабул қилиш учун етарли миқдорда депутатлар тўпланмаёт-ганлиги туфайли шундай қарорга келинди.

ХОРИЖДА

Польшанинги янги Бош вазири Я. Ольшевский ҳукума-тининг 1992 йилга ва 1995 йилга бўлган даврга мўлжаллан-ган иқтисодий-иқтисодий сиёсати дастурини жамоатчилик ҳуқуқига ҳавола этди. Унда эркин бозорга саркаб ўтиш мум-кин эмаслиги тан олинган. Шу туфайли иқтисодиётни давлат томонидан муайян даражада бошқариб туриш мўлжаллан-моқда. Ҳукумат бошлигининг бу дастурига қўшилмаган молли вазири ва молли маҳкамаларининг қатор бошқа раҳбарлари истеьмога чиқариш ниятида эканликларини айтди.

Ливан жанубидидаги вазият тобора кескинлашмоқда. Ис-роил қароргоҳлари устидан мунтазам учиб ўтмоқдалар. Исроил мудорфа вазири Ливан мўмулларини ағар фалястинликлар-нинг Исроилга қарши ҳужумлари дарҳол тўхтатиламоса, бу қароргоҳларга қаншақич зарба берилиши ҳақида оғоҳлан-тирди.

ЭНГ ЯХШИ ТОРТИҚ

КЕИНИГИ йилларда ис-лок тарихини тадиққ этиш борасида самарали ишлан-лар олиб боришмоқда. Бун-дай хайрилий ишларни ҳа-қират Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини ҳа-қират аъзоси, профессор М. Хайруллаев тахрири остида китоб ақиқида чоп этилди. «Ислом ва Шарқ аёллари» тўламини Ўзбекистон Респу-бликаси «Фан» нашриятининг китобхоналари навабдаги энг яхши тортиқларидан би-ри бўлди.

Савдат ОДИЛОВА.

САҲНАДА «ОСМОН ТўЛА ЮЛДУЗЛАР»

ШУ кунларда рус ёш томошабинлар те-атрида ўзбекча томо-шалар кўйиш расмига айланган. Яқинда ре-жиссёр Рима Кашаева томонидан «Осмон тў-ла юлдузлар» номли саҳна асари қўйилди. Асар ўзбек халқ эртак-лари асосида ёзилган. Воқеалар аэгуллини улуглаш, турли илат-ларга қарши курашга қаратилган.

— Рус саҳнасида ўз-бекча томоша қўйишга инкинчи бор уриниши-миз («Зўраки таби»-дан кейин) яхши нати-жа берди. Бунинг са-баби, болаларимизнинг эртанга ахтиёжлари баланд бўлганидир. Ёш бу томошани рес-публикамиздаги ўқув ва тарбия муассасала-рида ҳам қўйишни мўлжаллаяпмиз.

Янги томоша бола-ларда катта таассурот уйғотаяпти. Чунки, ун-да ролларни болаларга танилиб қолган Фоти-ма ва Ҳусан Режаме-товлар, Жалол Юсу-пов, Озод Бекмуродов, Ҳусеиндин Камолов, Насиба Юсупова ва Ойбек Қаюмовлар ик-ро этишган.

Илҳом НҲЛДОШЕВ.

* Сиз кутган учрашув Янги рукн: «ҲОКИМЛИК МАЖМУАСИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ»

АВВАЛ хабар бериб ўтганимиздек «Оқшоми» рўзномалари ўз саҳифаларида тошкентликларнинг шаҳар ҳокимлиги маж-муалари раҳбарлари билан ертқи учрашувларини уюшти-ришни режалаштирмоқда. Биз ўз муштарийларимиздан улар-нинг қизиқтириётган масалалар, шунингдек ҳокимлик ва унинг мажмуаларининг фаолиятини яқинлаш ва тақомиллаштиришга қаратилган ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда аҳуд му-ҳарриратдаги 33-29-70 ва 32-53-79 рақамли телефонлар ор-қали билдиришларини илтимос қилганмиз. Шу телефонларга кўнроқ қилинса саволлар ёзиб олинмади. Кейин эса қайта-рилган батафсил жавоблар рўзнома саҳифаларида эълон қилинади.

Яна бир бор эслатиб ўтаем: келгуси сешанбага қадар Сиз ўз саволларингизни иқтисодий сиёсат мажмуаси раҳбири Карим Расулқовчи Расулқова ёзма равишда қўйишга манзил-гоҳга — 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уйга «Ҳокимлик мажмуаси раҳбарлари билан мулоқот» деган белгини қўйган ҳолда йўллашингиз ва рақамлари келтириб ўтилган телефонларга ҳар кунини соат 15 дан то соат 17 га қадар кўнроқ қилишингиз мумкин.

Шундай қилиб, аъз дўстлар, саволларингизга мунтазир-миз.

* Буни саховат дейдилар ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛГАН ЁРДАМ СУРАТЛИ ЛАВҲА

ПОИТАХТДАГИ 17-ша-рқ клиник касалхонасининг мажлислар залига Қизил Ярим Ой Жамияти шаҳар комитетининг кенгайтирил-ган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда шаҳар Қи-зил Ярим Ой Жамияти ко-митетининг раиси Умида Му-ҳамедова комитетнинг 1991 йилги фаолияти якунлари ҳамда жорий йилдаги вази-фалар, шунингдек иелгусида ишни аниқ мақсадга қарати-лган дастур бўйича режалаш-тириш хусусида маъруза қил-ди.

Сўнг Қизил Ярим Ой-Жа-миятининг фавуқлода рес-публика қурултайини ча-қиринишга қарор қилди. Шаҳримиздан унга делегат-лар сайланди.

Шу кунини раёсат йиғили-шидан сўнг шаҳарнинг бар-ча тиббиёт ва даволаш таш-

килотларидан келган ходим-лар залга тўпланди.

Америка Қўшма Штат-ларидаги хорижий мамлакат-лар билан иқтисодий алоқа-лар болан ташкилотининг вакиллари Жим Лехи, Али-са Браун ҳамда Мартин Фодаллар иштирокида Япо-ния Қизил Ярим Ой Жамия-ти томонидан юборилган дори-дармонларини топши-риш маросими бўлиб ўтди.

— Ниҳоят узоқ кутил-ган мустақилликка эриш-дин, — деди сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси со-ғлиқ сақлаш вазирининг ўринбосари, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси-нинг бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутаты Кулаҳмад Ризаев. — Бирок республика-миз иқтисодиёти бирму-ча қийинчиликлари ҳам бошидан кечирмоқда. Мат-лумнингизки, Япония ва АҚШ

болалар озиқ-овқатлари ҳам-да тақчил дори-дармонлар-ни хайрия ердани сифати-да бизга эътилади. Турки-дан ҳам 100 миллион сўм-лик бегараз ёрдам келди. Ушбу тиббиёт асбоб-анжом-лари ва дори-дармонлар ал-батта Ўзбекистон аҳолиси-ни соғломлаштириш учун хизмат қилади. Шундай бир пайтда бизга ёрдам қўли-ни чўзганларини ҳеч қачон унутмаймиз. Вақти келган-да биз ҳам Ўзбекистоннинг саҳий табияти неъматлари-дан хориж мамлакатла-рини албатта баҳраманд этамиз.

Меҳр-шафқат хизматини ташкил этишда, ичор оила-ларга ёрдам кўрсатишда шаҳар Қизил Ярим Ой Жа-миятининг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунини ҳисобга олган ҳолда жамиятининг қаровчи-си йўқ ёлғиз кенсаларга, кам даромадли, кўп болали оилаларга меҳр-шафқат хиз-мати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида шаҳар соғлиқни сақлаш бош бош-қармаси томонидан пойтахт Қизил Ярим Ой Жамиятига янги еғил автомашина тақдим этишга қарор қил-ди.

— Ассалому алайкум, — америкалик меҳмон Жим Лехи сўзини ишбу калом-дан бошлади. — Аввалам-бор, ўзбек халқининг меҳмон-дўстлиги учун чин қорак-дан миннатдорчилик бил-диришчиз. Республикамиз-гиз меҳнатқашлиги билан фахрланса арайиди. Мана,



* Узбекистон-Хитой: ҳамкорлик қирралари ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАР

1986 йил январь ойида Хитой Халқ Республикаси ва Социал Иттифоқнинг бир қатор республикалари ўртасида шартнома тузди. Шундан кейинги йиллар давомида Узбекистон ва ХХР олий ўқув юрталари вакиллари ўртасида ўзаро шартнома тузиш мақсадида музокара-лар бўлиб ўтди. 1991 йилда Тошкент давлат шарқшунослик олий билимгоҳи ва Пекин молиявий-иқтисод олий билимгоҳи ўртасида бевосита талабалар алмасишу буйича шартнома тузиш ҳақида келишиб олинди.

1984 йилдан бошлаб республикамизнинг олий ўқув юрталарида хитойлик аспирантларга ўзбек олимлари раҳбарлик қилишди. Шу билан бирга, ўтган йиллар давомида Узбекистон ва ХХР олий ўқув юрталари вакиллари ўртасида ўзаро шартнома тузиш мақсадида музокара-лар бўлиб ўтди. 1991 йилда Тошкент давлат шарқшунослик олий билимгоҳи ва Пекин молиявий-иқтисод олий билимгоҳи ўртасида бевосита талабалар алмасишу буйича шартнома тузиш ҳақида келишиб олинди.

Бизга маълумки, кейинги пайтда мамлакатимизда туб ўзгаришлар рўй берди. Узбекистон ва Социал Иттифоқнинг бошқа республикалари ўзларининг мустақилликларини эълон қилишди. СССР маориф давлат комитети тарқатилди юборилганлиги туфайли Узбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олдида ХХРнинг маориф давлат қўмитаси билан стажер-лар ва талабалар алмасишу буйича шартнома тузиши каби муҳим вазифа турибди. Республикаимиз олий ўқув юрталари жамоаларидан эса Хитой Халқ Республикаси олий билимгоҳлари билан бевосита алоқаларни ривожлантиришда фаолликни кучайтириш талаб этилади. Бу борада Улугбек номидаги жамғарма мададор бўлиши мумкин. Чунки, мазкур жамғарма чет тилларни ўргатишга малакали миллий мутахассисларни тайёрлаш каби муҳим вазифани бажаришга қаттиқ бел боғлаган. Ана шундан келиб чиқса улар Хитойга бизнинг талабаларини юборишдан манфаатдордирлар.

Яқинда Хитой Халқ Республикаси Узбекистоннинг мустақиллигини тан олди ва биз билан дипломатик алоқаларни ўрнатди. Шундан кейин Тошкентда ўзаро шартнома тузиш мақсадида делегацияларини ташкил қилиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Юқоридагилардан Узбекистон ва ХХР ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга унинг боғланиши маълум. Лекин ўзаро муносабатларимизни ривожлантириш маълум даражада таркимонларнинг муваффақиятли фаолияти ортиб боришига ҳам боғлиқ. Шу боис бизнинг билимгоҳимизда шарқшунослик мутахассисли-ги бўйича тайёрларини тилини янада ривожлантиришмоқ-да. Биринчи навбатда миллий-техника базасини мустақ-ламлаш, ўқитиш жараёнида замонавий техника воситалари-ни кенг қўлланш каби масалаларга катта аҳамият бери-лади. Иккинчи навбатда ҳамкорлик қирраларини юксалтириш учун етук мутахассислар тайёрлашга бутун билим ва тажрибаларимизни сафарбар этмоқдамиз.

Миродир МИРЖАЛОЛОВ.

Тошкент Давлат шарқшунослик олий билимгоҳи хитой тилишунослик кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди.



СОБИР Раҳимов номидаги 133-мактабда машҳур ўзбек генерали таваллуд тоғлан кунда унинг ҳаёти ва жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилувчи музей очилди. Мактабга кирверишда эса ёдгорлик ўрнатилди. Музей очилишига ёзувчи Аҳмад Раҳматнинг қизи Азиза ола ҳам ташриф буюрди. У отасининг биринчи ўзбек генерали ҳақида ёзган китобини музейга совға қилди.

ЎЗАРО ҲУРМАТ АСОСИДА

Яқинда Узбекистон Ешлар Иттифоқи билан Халқ Демократик партияси ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолашгани кўпчиликка маълум. Ҳўш, шартнома тузишдан асл мақсад нима ўзи! Шу ҳақида гапириб бериши-ни Узбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Х. М. Абдура-мовдан илтимос қилдик.

— Бир пайтлар комсомол партиянинг ёрдамчиси ҳисоб-ланарди, — деди Хотам Маҳ-камович, — у асосан ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаб, партияга аъзолар тайёрлаб бериш билан шуғулланган. Ле-кин ҳаётимизда рўй берган кескин ўзгаришлар бу икки ташкилотга ҳам ўз таъсирини кўрсатди ва улар сийёсий май-дондан чиқиб кетдилар. Шу боис ҳаммамизга маълум бўл-ган ёшларнинг янгиланган таш-килотини — Ешлар иттифоқи ту-зишди.

Замон талабига тўшунган, эски, сийқаси чиққан мафсу-ранинг қишларидан кўра демократик ривожланишини яф-зал кўрган собиқ компартия аъзолари ҳамда софдал киши-лар эса янги ташкилот — Халқ демократик партияси аг-рофига яшилдилар. Табиқий-ки, мустақил ҳаётга келган бу-ниқ ташкилотнинг бир-бирига ҳақ қандай раъсий алоқиси йўқ. Ешлар Иттифоқининг асосий вазифаси ёшларнинг манфа-тини ҳимоя қилиш бўлса, бу навбатда ХДП ҳам бунга бе-фарқ қарай олмайд. Шу ҳақ-дан икки ташкилот ўзаро ҳам-корлик қилишга қарор қилди. Шахсан мен шаҳар ёшлар ко-митети ходимлари ёшларни орқаларидан эргаштира ола-

* Иш, наҳотки?!? НИМАНИ ТАРҒИБ ҚИЛЯПМИЗ?

ҚИШЛОҚДАН онам келдилар. Шаҳарни айландик. Онами яхшироқ кинога олиб тушмоқчи бўлдим. Буни қарагани, кинотеатрларда маданий ҳордиқ чиқарадиган кўнгинадагидек кино қўйилмаётган экан. Кейинги йилларда кинотеатрларда намойиш этилаётган фильмларнинг кўпчилиги чет элники. Уларда намойиш этилаётган гирт яланғочларни эслаб, кинога қиришга ҳам улласан. Наҳотки, бинада ҳамма нарсанинг мезони «мулла жиринг» бўлиб қолган бўлса? Ҳалқимизнинг тарихий маънавияти бов, Темур, Навоий, Вобур ҳаётидан нега салмоқли фильмлар суратга олинмайд. Қачон миллий урф-одатларимиз, шарқона турмуш тарзини ақс этган киноларни кўрамай?

Доноҳон СОБИРОВА, талаба.

* Туйғулар

ДУНЁНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ

Шифохонада биз билан ўрта ёшлардаги бир киши ҳам даволанди. Унинг юрганда айиққа ўхшаб лапангайдиган гавадиси, юзидagi қатмақон чандик, бунинг устига овозининг дўрланишидан кўпчилик ҳайқиб, ўзини олиб қочиб юрди. Оралдан кўп ўт-май ўш одам соғайиб, уйига кетган унинг палатасига мени ўтказишди. Шунда... та-савуур қиласизми, бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис қилдим ўзимни. Палата чинни-чиноқ қилиб тозаланган, дераза тоқ-часидagi қатор турган шишаларда анвойи гуллар барқ уриб турибди. Ҳатто уйдан тўвак келтириб тул ўтказибди. Деворда хинд киноолдузларининг сурати. Фарош опаннинг айтишича, ҳар кунни полни ўзи ювиб, жиҳозлардаги чангаларни арбиб чиқар экан. Қаранг, дунё гўзаллигини шундай инсонлар яратмаптики ахир! Табиати тин-қиб қалбим пок бу кишининг сўхбатидан озгина бўлса ҳам бахроманд бўлолмаган-нимдан ҳанузгача афсусдаман.

СИРЛИ ОЛМА

Белваро ўтиб бораётган алп қоматли йигит, шомал Сен ҳозиргина салом бер-маган мўйсифидега ҳам урғин сажда қил-сангидан нега деб қизикётганини сезиб турибман. Эшит бўлмаса. Унда сен ҳали дунёга келмаган эдинг. Онанг аразлаб

уйига кетиб қолиб, кўп вақт отанг билан ажрашмоқчи бўлиб юрди. Шунда боғий мўйсифиде отангинг кўлига тарам-тарам товланиб лишган бир қизил олманг бериб: «Тила тилагингни», деган. Отанг кўп йўл-дошини бошқа бехудага хафа қилмаслиги, қаттиқ изтироб чекаётганини айтиб, она-нинг тез кунда уйга қайтиб келишини ил-тижо қилади. Олма мўжиза кўрсатди. Уни еган онанг кўп вақт ўтмай отанг билан ярашди. Кейин сен туғилдинг. Кўр-дингни йигит, ҳаётда нималар бўлмайди. Софдил кишилар сабабчи бўлиб дунёга келган экансан, энди улардан мейхрингни доринг тутма.

КЎНГИЛНИНГ КЎЧАСИ

Армия сафиде бирга йигитлик бурчини ўтаган дўстим сочига оқ оралаб, аши қирққа етганда бир авлига яхши кўриб қолди. Айтишича, унинг ҳам кўнгли бор экан. Энди дўстимни кўрсангиз «наҳотки севилдим» дея ўзини қарға қўйишини билмайди, денг. Яноқлари лопуллайдди. Кўринган танишидан «суюнчи» олади. «Хо-тин, бола-чақалар омоним!» сўрайман у-дан бироз ҳовурдан тушириш мақсадида. Қоёқда дейсиз. Шўрлик баттар ҳовлиқа-ди, кўллари билан бошини чангаллайди. Кўрмаганинг кўргани курсин, анишидаи дўстимни билганлар бов чайқаб. Ҳар кимса сенинг лаззатли изтиробингдан ўз вақтида татиб кўргани дуруст экан, эй муҳаббат!

Саядулла ШОДМОВ.

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига ҳам ик-ки йилдан ошди. Бу давр мобайнида шаҳримизда юз-лаб кўчалар, маданий муас-сасаларнинг номлари миллий-лаштирилди. Жумладан, Бек-темир районида ҳам бу бора-да катта ишлар амалга оши-рилди.

* Едномалар ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ

Атамалар комиссияси ўз иш фаолиятида эътиборни кўпроқ тарихий номларни тик-лашга қаратмоқда. Масалан, «Полевая» кўчасининг «Кўдон дарвоза» деб қайта номлани-ши шаҳримизнинг машҳур 12 дарвозасидан бирининг тарихий номи яна тиклангани билан аҳамиятлидир. Шунингдек кўп-лаб кўчаларнинг номи фан, адабий ва маданиятимизнинг юксалишига улкан ҳисса қў-шган аjoyиб инсонлар, олим-лар номи билан аталмоқда. Мана шундай кўчалардан би-ри Узбекистонда хизмат кўр-сатган фан арбоби, филолог-ия фанлари доктори Порсоҳон Шамснвв номига берилган. Бу инсон ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун биз район атамалар комис-сияси раисининг ўринбосари Волида Содиковага мурожаат қилдик.

Кейинчалик Алишер Навоий-нинг 500 йиллик тўйи муно-сабати билан аллома шон-рининг «Мухоммадул-луғатини», «Маҳабуб ул-қулуб», «Ман-олис ул-нафос», «Садди Ис-кандарий» каби асарларини нашр эттирди. 1952 йилда Порсоҳон Шамснвв Навоий-нинг «Сабъан саяёр» дostonи-нинг иланий-танқидий матнини тайёрлаб, уни номзодлик дис-сертацияси сифатида ҳимоя қилади. Бу борадаги иланиш-ларни давом эттириб, кўп ўтмай докторлик диссертация-сини ҳам яқлаб олди.

— Порсоҳон Шамснввнинг матншуносликдаги фаолияти, фақатгина Навоий асарлари билан чегараланиб қолмайди, — дея сўхбатни давом эттир-ди Волида Содикова. — Ус-тоз опти томлик «Ўзбек ада-бияти» ва беш томлик «Ўзбек поэзияси антологиясининг» нашрларида ҳам фаол ишти-роқ этган. Айниқса «Бобур-нома» асарининг тўлиқ наш-рини амалга оширгани матн-шуносликдаги катта воқеа бўлган. Олим ҳақида ўнлаб китоблар эса арзишди. У ки-ши 1972 йилнинг 22 мартда вафот этганлар. Биз район-имизнинг энг катта кўчалари-дан бирини «Порсоҳон Шам-снвв кўчаси» деб атадик.

Муҳиддин БОЗОРОВ.

Инсоннинг маънавий ола-мига, эстетик дунёсига ат-роф муҳитдаги шарт-шароит, жумладан гўзаллик ва бе-жиримлик ўз таъсирини ўт-казмай қолмайди. Ешлар тарбиясининг ҳар томонлама мукамал бўли-шида бадий таълим, айниқ-са мактабдаги бадий бе-заш ишлари ҳам муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда барча мактаблардаги бадий муҳит ва уларнинг безати-лиши талабга тўлиқ жавоб беради деб айтиш қийин. Бундан ташқари, маориф ва мактаб ходимларининг ий-ни энгиллаштирадиган қўл-ланмалар деярли йўқ эди. Бу борада танили педагог Файзулло Қодирхўжаевнинг «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Мактабда бадий безаш ишлари» китоби айни мақсадни амалга оширган.

МАКТАБНИ БЕЗАШ

Китоб асосан 3 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб алоҳида-алоҳида мавзунини чу-қур ёритиб беради. 1-бобда мактабдаги бадий безаш ишларининг мақсади, мазму-ни ва вазифалари баён қи-линган. Таъсирли санъат-нинг барча турлари каби мактабдаги бадий безаш ишлари ҳам композициянинг умумий қонуниятларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу ўринда яна шунинг алоҳида таъкидла-ни кераки, бадий безаш ком-позициясида «Олтин кесим» қонуни кенг қўлланилиши-ни муаллим асосли фикр ва далиллар билан ёрита ол-ган. Классик санъатдан келиб чиққан «Олтин кесим» қо-нунияти жуда кенг тарқал-ган. Унинг моҳияти шун-дан, бутунни икки нотенг бўлакка ажратганда, кичик томонининг ўйин катта то-монининг анига тўғри кела-ди. Олтин кесим қонуни ўсиб боруши сонлар қато-рида ақс этиди: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 21, 13, 34, 55, 144 ва ҳоказо.

Декоратив санъатда ҳам «Олтин кесим» қонидаси кенг ишлатилади. «Олтин кесим» пропорцияси асосда бажа-рилган панно ҳамжили гармо-ник таассурот қолдиради» деб таъкидлайди, муаллим. Бунга ўхшаш композиция-нинг кўпгина иммониятлари ҳам батафсил баён этилган. Китобда бадий безаш иш-ларида ранг ва ёруғлиқнинг аҳамияти алоҳида тақин қилиниб, ранг ва ёруғлиқ-нинг илмлатилиш омиллари кўрсатиб берилган. Булар-дан ташқари, шу бобнинг ўзида шрифти санъати ва бадий безаш ишларида шрифтининг аҳамияти ҳақи-да ҳам тўлиқ фикрлар бе-рилади. Шрифтларнинг ёзи-лиш қонун-қондалари ва унинг турлари ҳақида му-ҳим маълумотлар ёритил-ган.

Китобнинг иккинчи бо-биде эса мактабда бадий безаш ишларини ташкил қи-лиш ва амалга ошириш омиллари ҳақида кенг маъ-лумот берилган. Ўқувчилар дунёқарашини ҳар томонла-ма шакллантиришда эсте-тик талаблар муҳим роль ўйнайди. Бунда хоналар-нинг умумий бўйлишидан тортиб ҳар бир бадий бе-



Бердиқул Қаримов сурати.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

ЭЛЕКТР ҚУВАТИ ТАҚЧИЛ БУЛМАЙДИ

Шеробод насос стан-циясида янги трансфор-матор ўрнатилди бош-ланди. У ўзининг 125 минг киловольт-ампер қува-ти билан бу ерда иш-лаб турган эргетелер-дан икки беравэр куч-лидир. Янги трансфор-матор йилнинг ўртал-рида фойдаланишга топ-ширилади. Ана ўшанде Сурхондарё вилояти-нинг Қумқўрғон, Шер-обод, Ленин йўли ва Бойсун районларини энергия билан таъмин-лаш анча яхшиланади.

Трансформаторни Зе-лороже машинасо-лари тайёрлашган. Тош-кентдаги иқтисосла-шган монтаж бекчаси-сининг мутахассислари бу ускунини маҳаллий энергетиклар билан биргаликда ўрнатиш-моқда.

ТИКУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ЭЪТИЖЛАРИ УЧУН

Анджон вилоят ма-ҳаллий сановат бошқар-маси тикувчилик ишлаб чиқариш бирлешмаси-нинг жамоаси барқарор ишлаш натижасида бир неча ўткир ижти-моий муаммоларни ҳал этиш имконияти туғил-ди. Тикувчилар ўзлари ишлаб тоғлан фойда ҳисобидан Анджон давлат тиббиёт илмго-ҳининг кеселхонаси ҳақида вилоят кеселхо-насида ўз ишчилари учун саккаста ўрин ол-дилар. Бу эса кеселлар-ни яхшилаб паравариш-лашга, уларнинг тиббий муассасаларда девола-ништириш учун қулай шарт-шароит яратилиши қарорат беради.

Корхонанинг ўзида ҳам тикувчилар сало-матлигини мустақкам-лаш учун кўп иш қилин-моқда. Бу ерда спорт-соғломлаштириш маж-муни фойдаланишга топ-ширилади. Кенг ва ши-нам бинода душхона-лар, хордиқ чиқариш хоналари, фин ҳаммоми, спорт тренажерлари зе-ли жойлашди. Маъму-рият кейинги кичи йил ичидегила жамоанинг ижтимоий эътижлари-га бир миллион сум пул ажратди.

«ЛОЛА» КАПОЛАТ БЕРАДИ

Самарканд вилояти-де энг катта ҳисоблан-ган «Лола» пазандлик ва ярим масалиқлар фабрикаси ишга туши-рилди. Уч қаватли би-нода оқборлар ва ҳеж-р жойлашган. Бу ер-де ҳар кун 20 тонна махсулотни қайта иш-лаш мумкин.

«Лола» самаркандлик-ларга ярим тайёр ма-салиқлар — котлетлар, қимиллар, шунингдек перранде ва балиқ мах-сулотларидан тайёр-ланадиган таомлар учун масалиқлар етказиб бера бошлади. Бутун бино замонавий уску-налар, кучли музлаткич қурилмалари билан жи-ҳозланган.

Фабрика кўп миқдор-де қандолат махсулот-лари ҳам чиқармоқда. Уларни асосан Самар-канд талабалари истеъ-мо қилидилар. «Лола» шаҳардаги 35 та тала-балар буфетлари ва ошхоналарини ўз қара-моғига олди. Самар-кандликларнинг фирми-га қараганда, янги фабрика ишлаб чиқар-ётган ярим тайёр ма-салиқлар ва қандолат махсулотлари, сифатли бўлиб, ўзининг мазали-ги билан ажрелиб туради.

ФАБРИКА ҚУРИЛЯПТИ

Олтинсой райониде «Осиё» хусусий ички корхонаси ташкил этил-ди. Кооперативга те-ғишли эски бинода иш бошлаган корхона ҳо-зар ўзига икки қаватли янги бино қурмоқда. Қурилишини бошлаш бил-ан айни пайтда бу ерда ишлатиладиган хор-жий дастхоналар ҳам келтириб қўйилди. Бино қурилиши низоҳатга ет-ган, Американи Қўшма Штатларининг «Вест-а-фрияси» акциялари ўз асбоб-ускуналарини ўр-натишда. Йил охи-ригача эса бу ерда 300 дан ортиқ тўғувиқ мах-нат қилиш мумкин бўлган кичик фабрика қурилади.

[ЎЗА муҳбири]

* Ҳамшаҳарлар, сизлар учун ШАРТНОМА АСОСИДА

ЭСИНГИЗДА бўлса, Навоий кўчасининг Хадра қисмида эски ярмарка бўлар эди. Хозирда бу савдо растаси янгитдан қурилади. Аҳолига қўлайлик яратиш ва савдо хизматини яхши йўлга қўйиш мақсадида унинг иккинчи қавати, яъни иккинчи навбати ҳам қурилмақда. Бирин-кетин савдо расталарининг иккинчи қатори ҳам сафдан ўрин олапти.

Харидорларга хизмат қилапти. — Мақсадимиз, — деб сўхбатга қўшилди «Ташгалантерейторг» директори Суръат Салоҳиддинович Хўжаев, — харидорларни шу кунда зарур бўлган кундалик рўзгор буюмлари билан таъминлашдан иборат. Шу мақсадда кўпгина завод, фабрикалар ва бирлашмалар билан тўғридан-тўғри шартномалар туздиқ. Эндиликда аҳоли учун зарур бўлган кенг истеъмол буюмлари тўғридан-тўғри савдо дўконларига келтирилади.

Янги дўкондан сиз ўзингизга зарур бўлган молларни харид қилишингиз мумкин. Тўхтамурод ТОШЕВ. СУРАТДА: янги дўконда савдо пайти. Владимир Молгачев сурати.



УХЛА, ҚИЗАЛОҒИМ

У БУВИСИНИНГ қўлида тарбияланар эди. Буви уни эрта билан уйғотмас: «Ухла, ухла қизалоғим, ҳали эрта» дейди.

Невара йигирма ёшга кирди. Буви ҳамон: «Ухла, ухла қизалоғим, ухла, ҳали эрта» дейди.

Невара кўзини уқалайди да ишга чопади, келадия юна уйқуга кетади. Хуфтон бўлмади у ўзини қаравотга ташлайди... Ранглари ҳазон, дўрғадаги боладек қотма, уй ишга уринса ҳам, ояқ-лаишга уринса ҳам кўзини уйқуга тортади...

Ииллар ўтади. Одам жони маҳкам бўлар экан. Уйқунинг қанча азобини тортмади у...

Бувидан бахтли киши йўқ. Чеваралари «буви-буви» дея унинг кўчоғига отилиб эркаланишди-да тезда го-йиб булишди.

— Ҳой, чарчаб қолманглар, ухлаб олинглар, — деб қолади уларнинг кетида бечора буви.

Шу чоқ телефон жиринглади: — Малика! — деди Ҳалима майин овоз билан.

— Бу мен, онасиман. Ҳа, нима эди? — Малика билан ярашман. Ойим унақа ёмон ўйнаманглар, уришманглар.

— Нима бўлди? — сўради онаси.

— Сиз катталарга ҳамма болалар ёмон, — деди ва улардан нари кетди.

— Ҳа, сизга тегиб кетдим, қаранг-а, — тўнгилади эркак овозли аёл, — ҳа, ҳамманг ёмонсан. Мана сен: ёмон бўлмасанг, гап қайтарармидинг... Сенда бир ёввош бола неча бекатда чўнтагимга қўл солди. Сенин бошимдан рўмолимни олдим-да шап этиб бўйнига ташлаб, боғлаб, милицияга топширвордим.

— Ёлғон, сизга тутқич бериб бўпти у бола! — Ҳа, маҳмадона! — Ана шунақа улар... — кексароқ бир аёл унинг гапни маъқулади.

Шу вақт аёллардан бири, афтидан хотинларнинг гапларини эътибор билан тинглаб ўтирган бўлса керак:

БОЛА БОҚМАГАНСИЗЛАР...

— Бас қилинглари! — деди аёлларга жаҳл билан, сўнгга боланинг қулоғига пичирлади, бола кўчага чиқиб кетди. — Бола тугмагансизлар, бола боқмагансизлар...

Бола қайтиб келганда, аёллар жим хаёл суриншар эди.

УЧ бола автобусда қаттиқ баҳслашар эди. Улардан бири ўриндақда ўтирар, тикка туриб ниманидир ҳаёл билан ҳикоя қилаётган бола қулоғ солар, унинг эътиборини ҳеч нарса бўла олмас эди. Бирдан унинг қаршисида ўтирган киши:

— Ие, бу қандай бўлди, жиян, ёнингга акаларинг тик туришса-ю, сен, эса ўтирсанг, — деди болага тикилиб.

Бола тез ўрнидан туриб: — Кечирасиз, амаки, мен ҳалиги... — деб дудуқланди худди у одам олдида гуноҳ иш қилиб қўйгандай.

— Ҳечқиси йўқ, ўғлим, — деди боланинг ноқулай ҳолга тушганини кўриб қўшин йўлчи. У болага яқинроқ келиб пичирлади. — Лекки ҳаммавақт, ҳар қандай вазиятда ҳам сезгир бўлиш керак!

Усмонжон ОХУНЖОНОВ, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

УЛАРНИ САЁҲАТ КУТМОҚДА

БУ МАКТАБДА фойлаят кўрсатилган ёш геолог-саёҳатчилар тўғрисида жамоаси ўлкамиз тобиатини, жуғрофий жойлашшини яқиндан ўрганиши ҳам ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Шу сабабли тўғрақ машғулотида жойларга саёҳатлар ўтказиш тартиби, жойла яшил табият билан тўғри муомала қила билишга доир маълумотлар ҳам бериб боришмоқда.

Ҳақиқатан ҳам Тошкентдаги 178-ўрта мактаб педагогик жамоаси болаларни жонжон ўлкамизни севинишга, унинг табиий бойликларини эрдоклашга ўргатиб бориб, ёш геолог-саёҳатчиларнинг бир неча фидойи жонқурларини тарбиялашга эришди. Юқори синф ўқувчилари тоғли жойларнинг топографик хариталарини тузишни, доривор ўрт-ўла-лар ва гилхлардан коллекциялар тузишни яхши билиб олишди.

Берилган бу тушунчаларни амалиётда қўллаш мақсадида тўғрақ аъзолари Бўстонлик районининг Ҳўжакент қишлоғи ҳамада Чимён тоғ этакларида кўп кўнлик саёҳатларда бўлдилар.

Ақром АҚБАРОВ.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЗЕНИТ-7 Фирмали Техно-Савдо Маркази

(Чехов кўчаси, 10-уй, метронинг «Ойбек» бекати)

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ ЗКС-15, ЗКС-25, ЗКС-40 ПОНАСИМОН ПУЛАТ ЗУЛФИНЛАРНИ — баҳоси 120 сўм, 141 сўм, 210 сўмдан.

Ушбу зулфинлар қувур ўтказиш қурилмаларида ишлатиш учун мўлжалланган. Ҳам нақд пулга, ҳам пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Ҳаваскор ҳайдовчилар ҳам, касб-кори шу бўлган ҳайдовчилар ҳам олис йўл босиш нақадар машаққатли эканлигини яхши билишди. Автомобилнинг олдинги ўриндиғига ёпиш учун мўлжалланган массаж гиламчаси олис манзилни яқин қилишда Сизга ёрдам беради. Ҳаракат вақтида гиламча бамисоли Сизни массаж қилаётгандек бўлади, шинмалик яратиш билан бирга аъзоларингизда қон айланишини яхшилайди, тетиклантиради.

Гиламча ёғоч ва пластмасса роликлардан тайёрланган.

Баҳоси — 300 сўм.

Бундан ташқари Автоҳаваскорларга қуйидагиларни таклиф қиламиз:

«Жигули» 01 машиналари учун тормоз колдаларини — баҳоси 51 сўм 50 тиийн;

01 ва 06 маркали «Жигули»лар учун руль валини — баҳоси 90 сўм.

«Резерв-1» мотор мойига антифрикцион, ишдан чиқишининг олдини олувчи, металл ҳимоя қилувчи мосламаси автомобильнинг двигатели хизмат муддатини узайтиришга ёрдам беради. «РЕЗЕРВ-1» мосламаси механизмларнинг ишқаланувчи сатҳида махсус пленка ҳосил қилиб, уларнинг пишиқлигини икки-уч баравар оширади.

Баҳоси 9 сўм 60 тиийн.

Кинотеатрлар, театрлар, концерт залларининг ходимларига овоз эшиттириш аппаратуралари мажмуи — «ЗВУК Т2-25-2»ни таклиф қиламиз. Мажмуа стереофоник ва монофоник овоз эзувларининг эшиттирилишини таъминлаш учун мўлжалланган.

Баҳоси — 10581 сўм (нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади).

Қувватни ростловчи 57—СН—1,5 стабилизатори турли мақсадлар учун хизмат қилувчи кинематография қурилмаларини ўзгарувчан ток билан таъминлашда қувватини автоматик бошқариш учун мўлжалланган.

Баҳоси — 3750 сўм.

Уни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин.

Дўконнинг иш вақтини эслатамиз: дўкон соат 9 дан 18.00 гача очик, танаффус соат 13 дан 14.00 гача. Дам олиш кўни — якшанба.

«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.



ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ-ФИРМАНИЗ ҚИЁВАСИ ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ-АЪЛО КАЙФИЯТ, АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР

Агар сиз хизмат хонангизга қаҳвахона ёки концерт залингизга замонавий ва ўзига хос қиёфа бағишламоқчи бўлсангиз «БИККС-АЛИНА» уюшмаси СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Биз турли-туман манзарали пардозлаш материалларидан қуйидагиларни таклиф қиламиз: темир ва чарм билан пардозланган девор панеллари; тилларанг ва оқ тусли алюминийдан турли бадиий услубларда ясалган осма шиплар;

Ўзига хос шаклдаги шамчироклар. Улар девор ва шипларнинг металл безаклари билан яхши уйғунлашиб кетади, хона ўзига хос ёритилади.

Маҳсулотларимиз енгил йиғилади, улардан фойдаланиш осон, узоқ вақт хизмат қилади.

Ўз уйим ўлан тушагим, дейишди. Аминизки, «БИККС-АЛИНА» фирмасининг жиҳозлари билан безатилган хоналар сизга фойда хузури бағишлайди.

Манзилимиз: Тошкент-146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча. Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35, 90-94-85.

Тошкентдаги телефакс 8(3712) 904197.

«БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ. «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

1992 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛДАН 29 ФЕВРАЛГАЧА

«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОИДА МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» ХАЛҚАРО ТАБИБЛАР АССОЦИАЦИЯСИНING

ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ХУСАЙН ТАБИБ (Рашид Хусайнов)

РУҲИЙ ЕНГИЛЛАШТИРУВ ТУРКУМИДАН 5 та СЕАНС — МАЪРУЗА УТКАЗАДИ

(рус тилида)

Сеанслар соат 17.00 да бошланади. Чипталар сарой кассасида ҳар кўни соат 9 дан 18.00 гача сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: касса — 46-03-12, 46-70-31, маъмурият вакили — 46-07-53.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОИДА 7 МАРТ СОАТ 16.00 ДА Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон ЕҚУБОВ

«АЁЛ БИРЛА ОЛАМ ЧАРОҒОН» ЯНГИ ҚУШИҚЛАР ГУЛДАСТАСИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР «НАФОСАТ» ёш рақосалар кўрик-танловининг совриндори Саодат ҲАЙИТАЛИЕВА

«ҚИЗИҚЧИ-91» танловининг совриндори ҲАМИД АЗИМОВ Чипталар «Халқлар Дустилиги» саройи кассасида ҳар кўни соат 11.00 дан 20.00 гача сотилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ШАҲАРЛАРАРО ЮК ТАШИШ АВТОСАРОИИ ТАШКИЛОТЛАРДАН

ишчилар ва хизматчиларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйлаб ташишда фойдаланиш учун «ПАЗ-672», «ЛАЗ-695» маркали автобусларга

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Хизматлар учун шартномавий қиймат бўйича бир машина кўни учун—«ПАЗ-672» автобусига — 440 сўм 56 тиийн, «ЛАЗ-695» автобусига — 498 сўм ҳақ тўланади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент вилояти, Свободний посёлкеси, Мир кўчаси. Телефонлар: 65-33-54, 65-35-55.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ШАҲАРЛАРАРО ЙУЛОВЧИЛАР ТАШИШ АВТОМОБИЛЬ ПАРКИ

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН Ўзбекистон республикасининг шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқиш, шунингдек — Самарқанд, Бухоро, Туркистоннинг зияратгоҳ жойларини кўриш, Жамбул, Бишкек, Олмаота, Чимкент шаҳарлари, Толдиқўрғон вилоятидаги Панфилов шаҳарларига саёҳат қилиш учун «Икарус»-25» «Кароса» маркали автобусларга

ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш мумкин.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент вилояти, Свободний посёлкеси, Мир кўчаси. Телефонлар: 65-33-54, 65-35-55.

РЕСПУБЛИКА МОДАЛАР ТЕАТРИ МОДАЛАР ТЕАТРИДА ИШЛАШ ОРЗУСИДА ЮРГАН

Ифодали, ёрқин қиёфали, адл қоматли йигит-қизлар учун

Модалар театрига — намоийш қилувчи актёр лавозинига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ 44—46 ўлчамли кийим киядиган, бўйи 170 ва ундан юқори бўлган ўзбек қиз-йигитлари таклиф этилади.

Танлов 29 февраль соат 14.00 да қуйидаги манзилда жойлашган Модалар театрида бўлиб ўтади. САПЕРНА КЎЧАСИ, 25-УЙ. РЕСПУБЛИКА ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ АССОРТИМЕНТИ ВА МОДАЛАР МАРКАЗИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-33-76, хатлар — 33-29-70, 32-33-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-35-34, 33-56-87.

ШАҲАРНИНГ ҚУЙ-БИШЕВ, ҲАМЗА, ЛЕНИН, СИРГАЛИ ВА БЕКТЕМИР РАЙОНЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН КЎПҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ АҲОЛИ ВА ТАШКИЛОТЛАР

ДИҚҚАТИГА! 1992 йилнинг I мартидан бошлаб «Лифт ремонт» 2-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси лифтлардаги авария хизматининг телефони қуйидагича: 90-68-19.

«УЗСТРОЙТРАНС» Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмасининг

8-АВТОБАЗАСИГА ШОШИЛИНЧ РАВИШДА ҳужжатларни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилувчи таржимон КЕРАК

Манзилимиз 700050. Тошкент шаҳри, Иркутская кўчаси, 87-уй. Телефон: 65-45-56.

«ГРАНАТ» МАРКАЗИНИНГ ВАКИЛЛИГИ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ: — Сопол (Наон) катриджларини тўлдирин;

— чет эл нусха қўпайтириш техникасининг носозлиқларини аниқлаш ва уларда ишларини бажариш; — ICM (РС)АТ компьютерларига техника хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш.

Маълумотлар олиш учун телефон: 78-47-35.

Ихтисослаштирилган лойиҳа конструкторлик-технология бюроси кичик корхонаси

Японияда ишлаб чиқарилган «И-ВНХV» нусха қўпайтириш аппаратини

СОТАДИ Қўпайтириш катталиги АЗ ва А4. Ишга шай ҳолатда.

Қиймати — шартнома асосида келишилади.

Мулоқот телефонлари: 55-88-60, 55-88-62.

Киров ноҳия улгуринчакана меза-сабавот корхонасига қарашли ГТ-1 сериядаги 5763751, 5763770, 5763771, 5763788, 5763792, 5763791, 5763793-рақамлардаги йўқолган

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонор район озиқ-овқат савдо идораси намоаси 17-дўноқ мудирини Хусан Вахромович ШАЙХОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Чилонор район озиқ-овқат савдо идораси намоаси 17-дўноқ мудирини Хусан Вахромович ШАЙХОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарк» ишарит-матбаччилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Приват» рўзномаси кўчаси, 41.